

**АДАБИЙ АНЪАНА** — дунёни бадиий идрок этиш ва ифодалаш соҳасида даврдан-даврга, авлоддан-авлодга ўтиб келган тажрибалар йигиндиси — эстетик карашлар, тилдаги образлилик, эмоционаллик ва услубдаги ранг-баранглик. Замонлар синовидан ўтган, барҳаёт, илгор анъаналар барча адабиётлар учун тараккиёт омили саналади. Адабиёт ва санъатда анъана тарихий ходиса бўлиб, муайян давр ижтимоий-бадиий хусусиятларини акс эттиради. Адабий анъана тушунчаси новаторлик билан узвий боғлиқдир. Илгор адабий анъана доимо новаторликка етаклайди. Биз учун анъана ҳисобланган адабий ходиса ўз вақтида янгилик саналган бўлиши мумкин. Масалан, Низомий Ганжавий учун маълум маънода янгилик ҳисобланган «Хамса» яратиш Алишер Навоий учун анъана бўлган. Шу билан бирга Алишер Навоий "«Хамса»си салафларининг такрори, таклиди эмас, унда ўзига хос гоъвий-эстетик масалалар ёритилган ва хамсачилик анъанаси янги босқичга кўтарилган. Ўзбек адабиёти тарихида девон, тазкира, баёз, адабий-тарихий асарлар яратиш каби анъаналар мавжуд бўлиб, улар миллатнинг маънавий-маърифий ва маданий савияси тараккиётига сезиларли таъсир кўрсатганлиги шухбасиз.